2019 йил — Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

# Ishonch

2019 йил 1 январь • сешанба • № 1-2 (4131)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!

Муҳтарам дўстлар!

Мана шу ҳаяжонли, файзли дамларда жонажон Ўзбекистонимизга 2019 йил кириб келмоқда.

Сиз, азизларни, кўп миллатли халқимизни Янги йил байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Барчангизга улуғ бойлик бўлган оилавий бахт ва саломатлик тилайман.

Азиз юртдошлар!

2018 йилда барча соҳаларда халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига катта ўзгаришларни амалга оширдик.

Замонавий корхоналар, уй-жойлар, йўллар, кўприклар қурилди. Таълим, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари барпо этилди.

Хорижий давлатлар, аввало, яқин қўшниларимиз билан дўстлик ва ҳамкорлик янада кучаймоқда.

Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини ошириш учун салмоқли ишлар қилинди.

Бунинг натижасини бугун ҳар бир инсон ва оила, ҳар бир жамоа ўз мисолида кўрмоқда. Энг муҳими, одамларимизнинг эртанги кунга ишончи ортмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ўтаётган йил мамлакатимиз тарихида ёрқин из қолдирган йил бўлди.

Шу боис эски йилимизни шукроналик ва розилик билан кузатмоқдамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Биз 2019 йилга **Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили,** деб ном бердик.



Фаол инвестициялар тараққиёт учун чексиз имкониятлар эшигини очади.

Ижтимоий ривожланиш эса халқимиз турмуш даражаси ва сифатини кескин оширишга хизмат қилади.

Биз юртимизда тинчлик ва осойишталикни, миллатлар ва фуқаролар ўртасида тотувликни таъминлашга устувор аҳамият қаратамиз. Халқ билан мулоқотни юқори босқичга олиб чиқамиз.

Тадбиркорлик ва хусусий мулкни қўллаб-қувватлаш ишларини давом эттирамиз.

Диёримизни янада обод ва кўркам қилиш асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Эҳтиёжманд оилалар ва ёрдамга муҳтож инсонларни ҳимоя қилишга, аҳоли даромадларини оширишга эътиборни янада кучайтирамиз.

Муҳтарам фахрийлар, опа-сингилларимиз ва ёшларимизга ғамхўрлик кўрсатиш доимо диққатимиз марказида бўлади.

Ушбу файзли оқшомда барча давлат ва халқларга, хорижий дўстларимиз, ҳамкорларимизга эзгу тилакларимизни йўллаймиз.

Азизларим, қадрдонларим!

Халқимизнинг барча орзу-ниятлари ушалсин!

Фарзандларимиз, набираларимизнинг бахту камолини кўрайлик!

Гўзал ва бетакрор юртимиз тинч-осойишта, олижаноб, бағрикенг халқимиз ҳамиша омон бўлсин!

2019 йилнинг қадами қутлуғ келсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## Самимий қутловлар

*Янги – 2019 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари, таниқли сиёсат ва жамоат арбобларидан Президентимиз ва кўп миллатли Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, бахт-саодат ва муваффақиятлар изҳор этилган самимий қутловлар келмоқда.*

*Қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:*

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби – **Антониу Гутерриш**

Россия Федерацияси Президенти – **Владимир Путин**

Хитой Халқ Республикаси Раиси – **Си Цзиньпин**

Қозоғистон Республикаси Президенти – **Нурсултон Назарбоев**

Туркманистон Президенти – **Гурбангули Бердимуҳамедов**

Тожикистон Республикаси Президенти – **Эмомали Раҳмон**

Қирғизистон Республикаси Президенти – **Сооронбай Жээнбеков**

Беларусь Республикаси Президенти – **Александр Лукашенко**

Озарбайжон Республикаси Президенти – **Илҳом Алиев**

Туркия Республикаси Президенти – **Режеп Таййип Эрдўғон**

Япония Бош вазири – **Синдзо Абэ**

Европа Кенгаши Раиси – **Дональд Туск**

Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти – **Франк-Вальтер Штайнмайер**

Германия Федератив Республикаси Федерал Канцлери – **Ангела Меркель**

Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги Бош вазири – **Тереза Мэй**

Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Бош вазири – **Ли Кэцян**

Россия Федерацияси Ҳукумати раиси – **Дмитрий Медведев**

Исроил Давлати Бош вазири – **Биньямин Нетаньяху**

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти – **Ашраф Ғани**

Эрон Ислом Республикаси Президенти – **Ҳасан Руҳоний**

Миср Араб Республикаси Президенти – **Абдулфаттоҳ ас-Сиси**

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти – **шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**

Кувайт Давлати Амири – **шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**

Иордания Қироли – **Абдулла II ибн Ҳусайн ал-Ҳошимий**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти ва Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими – **шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**

Бирлашган Араб Амирликлари Қуролли кучлари Бош қўмондони ўринбосари, Абу-Даби Амирлиги валиаҳди – **Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён**

Дания Қироличаси – **Маргрет II**

Норвегия Қироли – **Ҳаральд V**

Польша Республикаси Президенти – **Анжей Дуда**

Венгрия Президенти – **Янош Адер**

Латвия Республикаси Президенти – **Раймондс Вейонис**

Ирландия Президенти – **Майкл Хиггинс**

Канада Генерал-губернатори – **Жюли Пейетт**

Янги Зеландия Генерал-губернатори – **Пэтси Редди**

Венгрия Бош вазири **– Виктор Орбан**

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси – Ижрочи котиби – **Сергей Лебедев**

Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси – **Валентина Матвиенко**

Москва ва Бутун Рус Патриархи – **Кирилл**

БМТ Бош котибининг махсус вакили, Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари – **Наталья Герман**

НАТО Бош котиби – **Йенс Столтенберг** ва бошқалар.

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

Ислоҳот ва самара

## ЯНГИ ДАВРНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

### ОДАМЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШ

**Одамзод бахт деган тушунчани турлича тасаввур қилади. Кимдир уни тинчлик-хотиржамлик ёки сиҳат-саломатликда деса, бошқа биров оила, дўстлар, яхши даромадли ишда деб билади. Умуман, бахт ҳақида гап борганда ҳар ким уни ўз дунёқараши, тафаккури, қаричи билан ўлчайди ва хулосага келади. Бизнингча, аслида инсонни бахтга, яъни ҳаёт ва яшашга ундайдиган асосий туйғу – умид ва собит ишончдир. Бу иккиси бор экан, одам сўнгги нафасигача ҳаётга муҳаббат билан интилиб яшайди, орзу қилади, унинг рўёбини кўради...**

*Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб замирида ҳам, аввало, одамларда умид ва ишончни оширишдек улкан ғоя мужассам. Ахир, ўттиз уч миллион нафар аҳолиси бор катта мамлакатда ҳар бир инсон кўнглига йўл топиш осонми? Бутун халқ дард-у ташвишларига малҳам бўлиш, орзу-умидларига қанот бағишлаш-чи? Ўзбекистон Республикаси Президенти, муҳтарам Шавкат Мирзиёев юртимизда турли соҳаларда тўпланиб қолган муаммоларга оқилона ечим излар экан, катта-ю кичик раҳбарлар олдига муҳим бир талабни қўйди: ОДАМЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШ! Бунинг учун эса халқ орасига чуқурроқ кириб бориш лозим. Шундай бўлаяпти ҳам. Натижа эса кундалик ҳаётимизда ўз аксини топмоқда.*

*Энг асосийси, жамиятда адолатни қарор топтириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар дастлабки меваларини бера бошлади. Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилиш, чегара муносабатларини тартибга солиб, оға-ини, қардош-биродар бўлиб яшаган халқларнинг азалий муносабатларини қайта тиклаш, уйсизларга уй бериб, муҳтожларга мурувват кўрсатиш, давлат идораларини тўлиқ халқ учун хизмат қилдириш...*

*Узоқ йиллар давомида ўз ечимини кутган бундай оғриқли муаммоларни ҳал этиш, албатта, осон кечаётгани йўқ. Буларнинг бари — юксак ақл-идрок, донишмандлик, оқилона сиёсат, фидойилик ва матонат маҳсули.*

2 ▸



ЎзА суратлари.

*Янги йилингиз муборак бўлсин!*

Муносабат

## МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА БАҒРИКЕНГЛИК

*Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида бу борада янги ташаббуслар илгари сурилди*

**Дунё тажрибасига назар солинса, аксарият тараққий топган мамлакатларда давлат раҳбарининг миллий парламент аъзолари ҳузурида энг асосий долзарб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий масалалар ҳамда жамиятни демократик ривожлантириш бўйича Мурожаатнома билан чиқиш амалиёти мавжуд эканига амин бўлиш мумкин. Ўтган йилдан бошлаб Ўзбекистонда ҳам ана шу янгича давлат ҳуқуқий амалиёти – давлат раҳбарининг Олий Мажлис палаталарига Мурожаатнома тақдим этиш анъанаси жорий этилди.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрда миллий парламентга тақдим этган **илк Мурожаатномаси мамлакатимиз сиёсий-ҳуқуқий тарихида том маънода янги воқелик бўлди.** Зеро, давлат бошқарувининг бундай демократик усули, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ва шиддатли ислоҳотлар – халқ билан мулоқот принципига ғоят уйғун ва ҳамоҳанг эканини намоён этиши баробарида бугунги кунда ҳар биримизнинг иш фаолиятимиз самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

2-3 ▸



# ЯНГИ ДАВРНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

◂1

*Якунига етган 2018 йил мамлакатимизда инсонни улуғлаш, унинг учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш йўлида муҳим из қолдирди. Давлат бу мақсадларга эришишда мамлакатни иқтисодий тарафдан ривожлантириш, инвестициялар киритиш, прагматик ташқи сиёсат юритиш йўлида собит турди ва адашмади.*



**Қудратилла РАФИКОВ,**
сиёсатшунос

## ИНСОН ҚАДРИ

*Сўзимиз бошида «инсон қадрини улуғлаш» деган иборани қўлладик. Бу бежиз эмас. Зотан, ҳар бир соҳа ривожига қаратилган эътиборда одамлар тақдири ўз аксини топган. Масалан, ўқитувчи, унинг мақоми ҳақида айтайлик. Улар тилда мунтазам эъзозланган бўлса-да, ижтимоий ҳимоя, рағбат нуқтаи-назаридан узоқ йиллар назардан четда қолди. Мана, Президентимизнинг халқ таълими тизимига эътибори туфайли соҳа ходимларининг маоши оширилаяпти, кенг шарт-шароитлар яратиб берилаяпти. Муҳими, бола таълим-тарбиясида алоҳида ўрин тутадиган эркак ўқитувчилар яна мактабларга қайтмоқда. Бунинг муҳим самараларини, албатта, тез орада кўрамиз. Ёки бошқа бир мисолни келтирайлик. Илгари тиббиёт ходимларини қўллаб-қувватлаш ҳам етарли даражада эмас эди. Ўтган йилда тиббиёт ходимлари ойлиги оширилди, бу – биринчи қадам. Жорий йилда ҳам бу борада бошланган ишлар изчил давом этади. Яна бир мисол: ҳали билаги кучга тўла, катта тажрибага эга, ҳар бир масалани чуқур таҳлил этадиган мутахассислар пенсия ёшига етиши билан кўпинча ишдан бўшашни афзал кўришарди. Чунки пенсия тўлови тизимидаги камчиликлар уларни бундай йўл тутишга мажбур қиларди. Бу масала ҳам оқилона ечим топди. Фуқаро энди маошига қўшиб, пенсия пулини тўлиқ оладиган бўлди. Бундай ҳаётий мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.*

*Мамлакатимизда адашганларга имконият бериш, туҳмат, нотўғри гувоҳлик туфайли жавобгарликка тортилган фуқароларнинг ҳуқуқлари, инсоний қадри тикланмоқда. Кейинги икки йилда судлар мустақиллигини таъминлаш бўйича ҳам муҳим чоралар кўрилди. Жумладан, ўтган йилнинг ўзида 1 минг 881 та жиноят иши далиллар етарли бўлмаганлиги сабабли тугатилди, судлар томонидан 590 нафар шахс оқланди. Ваҳоланки, бу кўрсаткич 2016 йилда, эътибор беринг, бор-йўғи 28 тани, 2017 йилда эса 263 тани ташкил этган эди.*

*Бундан ташқари, 5 минг 462 нафар шахсга нисбатан терговда асоссиз қўйилган моддалар айбловдан чиқариб ташланди, 2 минг 449 нафар шахс эса суд залидан озод қилинди.*

*Судларда ишларни йиллар давомида қайта-қайта кўриш амалиётига бутунлай чек қўйилмоқда. Инсонпарварлик тамойили асосида мутлақо янги амалиёт жорий этилди. Бунинг натижасида жиноят йўлига адашиб кириб, қилмишига чин дилдан пушаймон бўлган 993 нафар фуқаро, жумладан, 456 нафар йигит-қиз ҳамда 113 нафар аёл Ёшлар иттифоқи, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва хотин-қизлар қўмиталарининг кафиллиги билан жазодан озод қилинди.*

*Жазони ўтаётган 3 минг 333 нафар, жумладан, фаолияти ман этилган ташкилотларга кириб қолган 646 нафар маҳкум афв этилиб, оиласи бағрига қайтарилди.*

*Бир пайтлар «диний экстремистик гуруҳларга алоқаси бор», деб назоратга олинган 20 мингдан зиёд фуқаро «махсус ҳисоблар»дан чиқарилди.*

*Ман этилган ташкилотларга адашиб кириб қолган, қилмишига пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига ўтган фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича Республика идоралараро комиссияси тузилди.*

*Шу юртда туғилиб, унинг тараққиёти йўлида меҳнат қилиб, лекин ўз уйида бегонадек қаралган инсонлар оҳ-у зорини давлат эшитди ва буни ижобий ҳал этди. Яъни, биз билан ватандош бўлишни орзу қилган 2 минг 528 нафар шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинди.*

## ИҚТИСОДИЁТ НЕГА РИВОЖЛАНМАЁТГАН ЭДИ?

*2018 йилнинг энг муҳим воқеаси — бу солиқ тизимидаги ислоҳотлар десак, янглишмаган бўламиз. Чунки кўп йиллар давомида солиқ юкининг юқори бўлгани мамлакатда «хуфиёна» иқтисодиёт улушининг ортиб кетишига шароит яратди.*

*Мавжуд вазиятни ҳисобга олиб, аввалambор иқтисодиётни жадал ривожлантириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш учун Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси қабул қилинди. Бу концепция устида узоқ ишланди. Мазкур ҳужжат лойиҳаси мамлакатимиз жамоатчилиги, бизнес ҳамжамияти, халқаро молиявий ташкилотлар, нуфузли экспертлар томонидан кенг ва атрофлича муҳокама қилинди.*

*Концепция асосида солиқ сиёсатида муҳим ўзгаришлар жорий қилинмоқда. Жумладан, жисмоний шахслар учун ҳозиргача амал қилиб келган энг юқори 22,5 фоизлик даромад солиғи ўрнига 12 фоизлик ставка белгиланди, 8 фоизлик суғурта бадали эса бекор қилинди.*

*Бизнес ҳамжамияти учун энг оғир ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов ставкаси илгариги 25 фоиз ўрнига 12 фоиз этиб белгиланди. Бюджетдан ташқари пенсия, йўл ва таълим бўйича мақсадли жамғармаларга 3,2 фоиз миқдоридаги мажбурий тўлов бекор қилинди. Божхона тўлов ставкалари қайта кўриб чиқилиб, 3,5 мингга яқин товарлар бўйича бож миқдори ва 800 га яқин товарлар бўйича акциз солиғи ставкалари камайтирилди.*

*Мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган маҳсулотлар учун хомашёларга, шунингдек, асбоб-ускуна ва техникаларга нисбатан давлат божи олинмайдиган бўлди. Тадбиркорлик субъектлари молиявий-хўжалик фаолиятини режали текшириш бекор қилинди. 138 та лицензия ва рухсат бериш билан боғлиқ талаблар соддалаштирилди, уларнинг 42 таси бутунлай тугатилди. Тадбиркорлик фаолияти учун ер майдонларини ажратишдаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, тизимдаги коррупция ҳолатларига барҳам бериш мақсадида ер майдонларини электрон аукцион орқали ажратиш тартиби жорий этилди. Мулк эгасига зарарнинг ўрни тўлиқ қопланмагунча давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш ва кўчмас мулкни бузиш тартиби бекор қилинди.*

*Булар айтишгагина осон бўлган ишлардир. Буларнинг замирида тадбиркорга, умид билан яшаётган минглаб инсонларга чексиз ғамхўрлик, юртнинг ҳалол тараққиётига ишонч турибди. Буни англаш учун ҳар бир қўйилаётган инқилобий қадамларни бирма-бир таҳлил қилиб кўриш лозим бўлади.*

## ТАШҚИ СИЁСАТДАГИ ПРАГМАТИЗМ

*Ўзбекистоннинг ички сиёсатдаги ислоҳотлари қатори ташқи сиёсатдаги ёндашув ҳам эътирофга сазовор бўлмоқда. Дипломатларимиз кўп йиллар асосан ташқи сиёсат билан шуғулланган бўлса, энди бир вақтда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш, мамлакатимиз иқтисодиётига инвестициялар киритиш, сайёҳларни юртимизга жалб этиш, хориждаги ватандошларга эътибор қаратиш каби масалаларга ҳам устувор вазифа сифатида эътибор қаратяпти.*

*Хорижий давлатлар билан муносабатлар янгича руҳда мустаҳкамланмоқда. Мисол учун айтсак, 2018 йилда давлат раҳбарлари даражасида 21 та ташриф, шу жумладан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг хорижий мамлакатларга 13 та ташрифи (Тожикистон ва Ҳиндистонга давлат ташрифи, АҚШ ва Францияга расмий ташриф, кўп томонлама тадбирларда иштирок этиш учун 9 та амалий ташриф) амалга оширилди. Ўзбекистонга 8 та давлат (Афғонистон, Беларусь, Миср, Қозоғистон, Россия Федерацияси, Тожикистон, Туркманистон ва Туркия) раҳбари ташриф буюрдилар. Уларда эришилган аҳдлашувларнинг ижроси изчил амалга оширилмоқда.*

*Ушбу ташрифларнинг натижадорлиги ва тарихий аҳамияти халқаро экспертлар томонидан эътироф этилди ва юқори баҳоланди.*

*Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва бошқа халқаро ташкилотлар билан алоқалар сезиларли даражада кучайди. Жорий йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Халқаро миграция ташкилотининг тўлақонли аъзосига айланди. Халқаро меҳнат ташкилоти билан эришилган муваффақиятли ҳамкорликнинг мамлакатимиз иқтисодиёти, халқаро майдондаги нуфузининг ошишидаги муҳим аҳамиятини англайсизми?*

*Ўтган йил охирида Тошкент шаҳрида яна бир нуфузли халқаро ташкилот ҳисобланган Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси (КУУ) Ижроия қўмитасининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтгани ва унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси мазкур ташкилот аъзолигига қабул қилингани ҳам тарихий ишлардан бири бўлди. Касаба уюшмалари Умумконфедерациясининг давлатимиз раҳбарини фахрий олтин нишон билан тақдирлагани эса Ўзбекистонда касаба уюшмалари фаолиятига катта эътибор ва ғамхўрликнинг ўзига хос эътирофидир десак, адолатдан бўлади.*

*Президентимизнинг йирик халқаро ташаббусларини илгари суриш ва амалга ошириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. 2018 йилда Ўзбекистоннинг 10 та муҳим халқаро ташаббуслари тўлиқ амалга оширилди.*

*БМТ Бош Ассамблеясининг «Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш» (22 июнь) ва БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи сессиясида «Маърифат ва диний бағрикенглик» (12 декабрь) резолюцияларининг қабул қилиниши йилнинг алоҳида эътирофга молик воқеалари бўлди, албатта. Ана шундай амалий саъй-ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ, давлатимиз раҳбари Осиё журналистлар Ассоциацияси томонидан «Осиёнинг энг яхши сиёсатчиси» дея баҳоланди.*

*Йил якунида Президентимиз парламентга Мурожаатнома тақдим этди. Унда жорий йилда мамлакатимизда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб берилган. Шу маънода у халқимиз фаровонлигини таъминловчи ва тараққиётимизни белгиловчи муҳим дастуриламалдир.*

*Ушбу мурожаатнома бир жиҳатдан халқимизнинг кўп йиллик орзу ва умидларининг ижобати, қолаверса, юрт тараққиёти учун муҳим дастуриламал сифатида баҳоланмоқда.*

*Дарҳақиқат, биз янги тараққиёт босқичига қадам қўйдик. Янги йил кириб келди! Унга юксак орзу-ниятлар, собит ишонч билан қадам қўйилмоқда.*

*Муҳтарам Президентимиз раҳбарлигида улкан марраларни кўзламоқдамиз. Биздан янгича фикрлаш, янгича ишлаш, Ватанга сидқидилдан хизмат қилиш талаб этилмоқда. Нафсиламрини айтганда, бу ҳам инсон учун катта бахт!*

**Байрам шукуҳи**

# Унутилмас туҳфа

Кундан-кун чирой очиб бораётган юртимизнинг барча ҳудудларида, маданият ва санъат саройларида Янги йил байрами тадбирлари кўтаринки руҳда ўтказилмоқда. Эртакмонанд безатилган майдонлардаги ажабтовур тароват кичкинтойларга олам-олам шод-у хуррамлик улашаётир.

Нега ҳам қувонишмасин? Чунки, бу кунда болажонлар севимли қаҳрамонлари — Қорбобо ва Қорқиз билан учрашиб, унинг саволларига жавоб беришади, ёд олган шеърларини айтиб, совға олишади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши тизимидаги «Ўзбекистон почтаси» АЖ филиаллари меҳнаткашларининг 3355 нафар 1-12 ёшли болажонларига Янги йил совғалари улашилди. Совғалар ҳудудларга автотранспортлардан ташқари темир йўл, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси самолётлари томонидан етказиб берилганини қайд этиш жоиз.

– Бу йил Қорбободан учинчи бор совға олдим. Унда ширинликлардан ташқари, ўзим учун керакли бўлган ўқув анжомлари ҳам борлигидан бошим осмонга етди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманида яшовчи Қайрат Утемуратов. – Келгусида улардан унумли фойдаланиб, аъло баҳоларга ўқишга ҳаракат қиламан.

Беғубор орзу-умидлар байрами болажонларга унутилмас таассуротлар туҳфа этди.

**Давронбек ОРИПОВ,**
«Ishonch» мухбири



ЎзА сурати.

# МИЛЛИЙ ҒОЯ

◂1

Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномасини 2018 йил 28 декабрь куни тақдим этди. Президентимиз дастлаб якунига етган 2018 йилда давлат ҳокимияти органлари эришган ютуқ ва натижалар ҳақида ахборот берди. Мурожаатномада **«Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» якунлари** атрофлича таҳлил қилинди. Жумладан, давлатимиз раҳбари мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самаралари аҳолининг ҳаёти ва кундалик турмушида ўзининг яққол ифодасини топаётгани, одамларнинг ижтимоий фаоллиги, эртанги кунга ишончи ортиб бораётганини таъкидлади. Шу билан бирга Олий Мажлисга илк бор тақдим этилган Мурожаатномада белгилаб берилган муҳим вазифалар ижроси чуқур танқидий таҳлил этилди.



**Акмал САИДОВ,**
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси Демократик
институтлар,
нодавлат ташкилотлар ва
фуқароларнинг ўзини ўзи
бошқариш органлари
қўмитаси раиси

Шундан сўнг мамлакатимиз раҳбари кириб келаётган йилда давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга ошириладиган аниқ чора-тадбирлар дастурини тақдим этди. Мурожаатномада 2019 йил Ўзбекистонда – **«Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»** деб эълон қилинди. Мазкур йилда Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналиши бўйича амалга ошириладиган навбатдаги энг асосий вазифалар баён этилди.

Давлатимиз раҳбари, биринчи навбатда, Олий Мажлис палаталарининг 2019 йилдаги қонун ижодкорлиги фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаб берди. Президент Мурожаатномаси сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан ниҳоятда катта аҳамиятга молик экани назарда тутилса, у нафақат парламент, балки давлат ҳокимиятининг барча тармоқларига қаратилган дастурий ҳужжат ҳисобланади.

Жаҳон илм-фани ва инновация ютуқларидан кенг фойдаланиш, жамият ҳамда давлат ҳаётининг барча соҳаларини жадал ва барқарор ривожлантириш эл-юртимиз учун муносиб келажакни яратишнинг муҳим омилидир. Шу маънода Ўзбекистон Президентининг Мурожаатномада мамлакат ҳаётининг бошқа кўплаб соҳалари қатори сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий йўналишларига таалуқли муҳим вазифаларни белгилаб бергани диққатга сазовор. Айниқса, Мурожаатномада иккита ўзаро узвий боғлиқ ғояни рўёбга чиқаришга доир янги ташаббуслар илгари сурилгани эътиборга молик.

**Биринчи муҳим ғоя: Мурожаатномада миллий ғояни ривожлантириш масаласи долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўйилди.** Бинобарин, миллий ғоя – барча соҳаларда изчил ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий миллий-маънавий манбаидир.

Бу ҳақда сўз борганда, миллий ўзликни англаш, бой тарихимизни ўрганиш, илмий тадқиқот ишларини тубдан кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Маълумки, халқимизнинг улкан ва ардоқли дўсти – буюк қирғиз адиби ва машҳур жамоат арбоби, моҳир дипломат Чингиз Айтматов дунё адабий-фалсафий тафаккурига «манқурт» тушунчасини олиб кирди. Улуғ адибимиз таъбири билан айтганда, «манқурт» ўзи ким ва ота-онаси кимлигини бутунлай ёддан чиқарган бўлиб, ўзининг одамлигини ҳам унутиб юборади. Бинобарин, «манқурт» ўз халқи тарихини, унинг руҳи ва урф-одатларини, ўз авлод-аждодларини билмайди.

Биз уч минг йилдан ортиқ бой миллий тарихга эгамиз. Муқаддас заминимизнинг ҳар қарич ери, беҳисоб моддий ва номоддий осори-атиқалар кўҳна тарихимизга гувоҳдир. Афсуски, эски тузум замонида халқимизга ўз тарихи манқуртларча ўргатилди. Яъни, биз асосан ўзгалар тарихини ўргандик, аммо ўзимизнинг бой ва ҳаққоний тарихимизни ўрганиш учун деярли имкон берилмади.

Ўтмишни ўрганишда тарихга холис баҳо бериш ва бу жараёнларда мафкуравий қарашлардан холи бўлиш керак. Давлатимиз раҳбари айни шу мавзуда фикр юритар экан, юртимизда тизимли археологик тадқиқотлар олиб борилмаётганини очиқ ва аччиқ танқид қилди.

**Мурожаатномада Археология ва Санъатшунослик институтлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш вазифаси белгилаб берилди.** Президентимиз ушбу институтлар, шунингдек, тегишли олий ўқув юртлари ва музейлар томонидан амалга ошириладиган археологик изланишларни бундан буён хорижий ҳамкорлар билан бирга ташкил этиш мақсадга мувофиқ эканига эътиборни қаратди.

Ватанимиз тарихини холис ва ҳаққоний ўрганишдан кўзланган асосий мақсад – буюк алломаларимиз ва азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо маънавий меросини, енгилмас саркарда ва давлат арбоблари бўлган шонли аждодларимизнинг жасоратини ёш авлод онгига теран сингдиришдан иборат. Токи, вояга етаётган фарзандларимиз миллий ғурур ва ифтихор, Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ватанпарварлик, халқпарварлик ва инсонийлик каби туйғулардан баҳраманд бўлиб улғайсин.

Шу муносабат билан Президентимиз Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси таркибида **«Ўзбекистон тарихи»** каналини ташкил этишга доир ташаббусни илгари сурди. Янги телеканал дастурини юртимиз олимлари, умуман, кенг ижодкор зиёлилар намояндаларининг амалий фикр-мулоҳазалари асосида шакллантириш зарурлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 8 октябрь куни Париж шаҳридаги **ЮНЕСКО** бош қароргоҳида ушбу ташкилот Бош директори **Одри Азуле** билан учрашувида **«Марказий Осиё тарихи» номли 6 жилдли монографияни ўзбек тилига таржима қилиш ғояси** маъқулланганди. Ушбу салмоқли асарни ёзишда таниқли ўзбек олимлари ҳам иштирок этган. Мазкур тўртинчи жилдида Амир Темур салтанати ва темурийлар даври тарихи, маданияти, санъатига катта ўрин берилган. Шунинг учун мазкур монографиянинг ўзбек тилига таржима қилиниши ва нашр этилиши катта аҳамиятга эга.

Мурожаатномадаги янги ташаббуслардан яна бири – **Ўзбекистон музейларидаги тарихий экспонатларни хатловдан ўтказиш**дир. Бунинг натижасида ҳар бир музейнинг батафсил каталогини тузиш имконияти туғилади. Маълумотларга қараганда, **ҳозир юртимиз музейларида 2,5 миллионтадан зиёд экспонат ва коллекция, архивларда маданий мерос объектлари бўлган миллионлаб ҳужжатлар сақланмоқда.**

Давра суҳбати

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

# Муаммоларга биргаликда ечим топилади

Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси, Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2017 – 2019 йилларга имзоланган Бош келишувга мувофиқ ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторлар, вазирлик ва идоралар, Марказий банк, Бош прокуратура, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа қатор нодавлат нотижорат ташкилотлар мутасаддилари иштирок этди.

Давра суҳбатида 2018 йилда барча жабҳалар қаторида ижтимоий-иқтисодий соҳада ҳам кўплаб муҳим ўзгаришлар рўй бераётгани қайд этилди. Жумладан, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган аҳолининг реал пул даромадларини ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сони ҳамда аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини янада камайтириш, бюджет муассасалари ходимлари иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини инфляция суръатларидан юқори миқдорда изчил ошириш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун етарли шароитлар яратиш каби вазифалар бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Давра суҳбати иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан амалга оширилаётган туб ислоҳотлар натижасида меҳнаткашларнинг кенг қатламларини анча йиллардан бери қийнаб келаётган кўплаб муаммолар охирги 2 йил давомида ўз ечимини топганини алоҳида таъкидладилар.

Қайд этилдики, жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан мажбурий меҳнатга барҳам бериш борасида тарихий ҳужжатлар қабул қилинди ва амалий ишлар олиб борилди. Масалан, 2018 йил 10 май куни Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 349-сонли қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, ҳокимлар, барча даражадаги давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларига фуқароларни, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда бошқа бюджет ташкилотлари ходимларини мажбурий меҳнатга, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари, мавсумий қишлоқ хўжалиги ишлари, металл чиқиндилар ва макулатура йиғиш, шунингдек, бошқа турдаги мавсумий ишларга жалб қилиш ҳолатларининг зудлик билан олдини олиш ва буткул чек қўйиш, бундай ҳолат рўй берганда эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар бериш вазифалари юклатилди. Ушбу Қарор билан, шунингдек, ихтиёрий-мажбурий ҳашарлар ҳам тақиқланди.

2018 йилги пахта йиғим-терими юмушларида болалар меҳнати мавжуд эмаслигини, мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик борасида катта ютуқларга эришилганини хорижий кузатувчилар ҳам эътироф этишди.

Давра суҳбатида касаба уюшма фаолларининг меҳнаткашлар билан жойларда ўтказилган мулоқотлари давомида аниқланган қатор масалалар тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар мутасаддилари эътиборига ҳавола этилди. Хусусан, меҳнатни муҳофаза қилиш, иш ўринларини шаҳодатдан ўтказиш, ходимларни махсус кийим ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги ходимларига бериладиган кафолатлар ва бошқа масалаларга оид кўтарилган саволларга мутасаддилар аниқ ва батафсил жавоб беришди. Бундан ташқари, аҳоли бандлигини таъминлаш ва меҳнат муносабатларини янада такомиллаштириш, бюджет ташкилотларида иш ҳақи, ижтимоий ҳимоя ҳамда меҳнат муҳофазаси ишларини молиялаштириш, «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» Давлат дастури доирасида касаба уюшмалари амалга оширган ишлари бўйича фикр алмашилди.

Тадбир якунида келгусида ушбу йўналишлардаги масалаларни ҳамкорликда ҳал этиш борасида келишиб олинди.

**Тўлқин ШЕРНАЕВ,**
«Ishonch» мухбири

---

# ВА БАҒРИКЕНГЛИК

Ўзбекистон Президентининг бу ғояси 2018 йил 8-9 октябрь кунлари Францияга амалга оширган илк расмий ташрифи доирасида Лувр музейини томоша қилган кезларида янада мустаҳкамланган бўлса ажаб эмас. Ўшанда давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Франция музейлари ҳамкорлигида кўргазмалар ташкил этиш, олимлар ўртасида илмий ва маданий алоқаларни кенгайтириш зарурлигини қайд этганди.

Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси билан Лувр музейи ўртасида ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзолангани ушбу эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришга қаратилган. Мазкур ҳужжатга мувофиқ жамғарма ва Лувр музейи ўртасида кўплаб йўналишларда ҳамкорликни йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон билан Франция ўртасида санъат ва маданият тарихи, музейшунослик, реставрация ва консервация соҳаларида илмий-тадқиқот ишларини ривожлантиришга эътибор кучайди. Лувр музейи ва Ўзбекистон Фанлар академиясининг Яҳё Ғуломов номидаги Археология институти билан биргаликда ташкил этилган Франциянинг Бухородаги археологик экспедицияси қазишма ишлари натижаларини оммалаштириш, мутахассислар ва тажриба алмашиш борасида яқин ҳамкорликни йўлга қўймоқда.

Айни пайтда Лувр музейи билан биргаликда Ўзбекистонда музей экспонатларининг консервацияси ва реставрацияси бўйича мобиль лаборатория яратиш, шунингдек, «Экол де Лувр» мактаби билан ҳамкорликда музей мутахассислари ва санъатшунослари малакасини ошириш бўйича маъруза ҳамда амалий семинарлар ташкиллаштириш устида изчил иш олиб бориляпти. Янада муҳими шуки, 2021 йил кузида Лувр музейида Ўзбекистон маданий меросига бағишланган **«Буюк ипак йўлидаги тамаддунлар ва маданиятлар» номли кўргазма** ташкил этилади.

Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган Ўзбекистонда илм-фан ва маърифат, маданият ва санъат соҳаларини тубдан ривожлантиришга доир вазифалар доирасида 2017 йил 15-16 май кунлари Тошкент ва Самарқандда **«Ўзбекистон маданий мероси – мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги мулоқотга йўл»** мавзуида биринчи халқаро илмий-маданий конгресс ўтказилди. Унда дунёнинг 40 та мамлакатидан 350 нафар иштирокчи – маърифат ва маданият муассасалари раҳбарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус вакиллари ҳамда экспертлар қатнашди.

Конгресс **Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва тарғиб этиш бўйича бутунжаҳон илмий жамияти**ни тузиш ташаббуси билан чиқди. Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида 2018 йил 6-8 июнь кунлари бўлиб ўтган Иккинчи Халқаро илмий-маданий конгресс томонидан мазкур Жамиятга асос солинди.

Ўтган қисқа даврда янги Жамият экспертлари – Ўзбекистон, шунингдек, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Россия, Франция, Чехия, Япония каби бир қатор мамлакатлар тадқиқотчилари **«Ўзбекистон маданий мероси – дунё тўпламларида»** лойиҳаси доирасида Ўзбекистон тарихига алоқадор кўплаб санъат асарлари, ноёб қўлёзмалар ва нодир архив ҳужжатларини синчиклаб ўрганишди. Шу негизда айни пайтгача 20 та салмоқли альбом ва ҳужжатли фильмлар тайёрланди.

Бу борада Президентимизнинг 2018 йил 28 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган **«Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси»** ҳам муҳим аҳамиятга эга. Концепцияда, жумладан, моддий ва номоддий маданий мерос ҳамда музейлар соҳасига доир истиқболли вазифалар мисолида миллий маданиятни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

**Мурожаатномадаги иккинчи муҳим ғоя – бағрикенгликдир.** Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи устувор йўналиши **«Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш»** деб номланган.

Бу бежиз эмас. Чунки давлатнинг мустақиллиги ва суверенитетини, минтақамизда хавфсизлик, барқарорлик ҳамда аҳил қўшничилик муҳитини мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамиятида юртимизнинг нуфузини ошириш йўлида диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни янада кучайтириш миллий тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Аслида, маънавият ва маърифат, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият, миллий ўзлик ва азалий қадриятлар, бу кўҳна замин одамлари кўнглида устувор бўлган адолат ва одиллик, иймон ва олижаноблик, бағрикенглик ва мардлик, инсонпарварлик ва тантилик каби улуғ хислатлар мамлакатимизнинг асосий қонуни бўлган Конституциядан муносиб ўрин олган. Зотан, ҳар қандай давлатнинг Конституцияси унда яшовчи халқнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради.

Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган юртимиз азалдан турли миллатлар, динлар, тиллар, маданиятлар ўзаро бирлашган, бағрикенг инсонлар яшайдиган барқарор замин сифатида ном қозонган. Президентимизнинг Мурожаатномасида ана шу миллий, диний, маданий ва лисоний бағрикенгликни мустаҳкамлаш биринчи даражали вазифа экани яна бир бор таъкидланди.

**Бағрикенглик – бизнинг энг катта бойлигимиз ва уни асраш барчамизнинг бурчимиз.** Шу нуқтаи назардан, 2018 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида **«Маърифат ва диний бағрикенглик» номли махсус резолюция қабул қилингани улкан тарихий воқеа бўлди.**

Ўзбекистон Президенти 2017 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 72-сессияси минбаридан илгари сурган ушбу муҳим халқаро ташаббус БМТга аъзо 193 та давлат томонидан қўллаб-қувватланди. Бу, шубҳасиз, Ўзбекистон амалга ошираётган изчил тарихий бағрикенглик сиёсатининг якдил халқаро эътирофидир.

Янада эътиборли жиҳати шундаки, илк бор бағрикенглик ташқи сиёсатга боғланмоқда. Буни БМТ бир йил ичида Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ушбу йўналишда иккита резолюция қабул қилгани тасдиқлаб турибди. Булардан бири – **«Маърифат ва диний бағрикенглик»** резолюцияси бўлса, иккинчиси – БМТ Бош Ассамблеясининг шу йил 22 июнда қабул қилинган **«Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш»** резолюцияси ҳисобланади.

БМТнинг мазкур резолюциялари қабул қилиниши билан Марказий Осиё минтақасида янги сиёсий муҳит шаклланиши ўртасида чамбарчас боғлиқлик бор. Шу нуқтаи назардан, **Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан жорий йилда пойтахтимизда Афғонистон бўйича Тошкент халқаро конференцияси ҳамда Самарқанд шаҳрида Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми ўтказилгани ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.**

Давлат раҳбарининг халқаро ташаббусларини илгари суриш ва амалга ошириш доирасида 2018 йилда Ўзбекистоннинг 10 та муҳим халқаро ташаббуси тўлиқ амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бунда БМТ, ИҲТ, ЕХҲТ, ШҲТ, МДҲ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан алоқалар кенгайгани, шунингдек, хорижий мамлакатларга 21 та олий даражадаги ташриф амалга оширилгани, 30 дан ортиқ давлат ва халқаро тузилмалар раҳбарлари билан музокаралар олиб борилгани, 180 та икки томонлама шартнома ва келишувлар имзолангани каби омиллар муҳим аҳамият касб этганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Кейинги йиллар тажрибаси шуни тасдиқламоқдаки, ўтаётган ҳар бир йилимиз улкан дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш, давлат ва жамиятни янада ривожлантириш борасидаги билим-у тажрибамизни бойитиш борасида янги босқичларга юксалиш даври сифатида тарихга муҳрланмоқда. Президентимизнинг ўтган галги Мурожаатномасида «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб эълон қилинган 2018 йил бўйича сарҳисоби буни амалда тасдиқлаб берди.

Давлатимиз раҳбари бу борада янги анъанани парламент амалиётига киритиш таклифи билан чиқди. Яъни, эндиликда **Бош вазир ҳукумат аъзолари билан бирга Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси доирасида амалга оширилган ишлар бўйича Сенат ва Қонунчилик палатасида ҳар уч ойда ҳисобот бериб боради.**

Ушбу жараёнлар оммавий ахборот воситаларида танқидий-таҳлилий асосда кенг ёритилади. Натижада халқимиз Мурожаатномада белгилаб берилган вазифалар ижроси қандай ҳолатда эканидан мунтазам хабардор бўлади. Бу, ўз навбатида, **ҳукумат фаолиятига халқнинг ўзи баҳо бериши учун қулай имконият яратади.**

**«Нияти улуғ халқнинг – иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади»,** деди пировардида Президенимиз. Келгуси йил учун маррани катта олар эканмиз, албатта, меҳнаткаш, мард ва матонатли халқимизга ҳамда шижоатли ёшларимизга ишонамиз. Чунки янги Ўзбекистон тараққиётига ҳисса қўшиш – Яратганнинг ўзи бизга берган тарихий имкониятдир.

Хулоса қилиб айтганда, давлат бошлиғининг парламентга Мурожаатномаси – дастурий сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатдир. Мурожаатномада, биринчидан, Президентнинг мамлакатни яқин истиқболда ривожлантиришга доир стратегик йўналишлар бўйича нуқтаи назари баён қилинди; иккинчидан, сиёсий, иқтисодий, ғоявий-мафкуравий қоидалар билан бир қаторда, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолиятига тааллуқли аниқ таклифлар илгари сурилди; учинчидан, у жаҳон конституциявий амалиётида ҳокимият ваколатлари бўлиниши принципини таъминлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий институт сифатида намоён бўлди.

---

## Ishonch ва Ishonch Доверие

### Янги рукн – «Элчи минбари»

*Бугунги шиддатли даврда хорижий давлатлар билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлашда Ташқи ишлар вазирлиги ва хориждаги элчихоналаримиз олдида ғоят масъулиятли вазифалар турибди.*
*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 11 январь куни Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хориждаги элчихоналари фаолиятига бағишланган мажлисда элчилар фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш ва иш услубини такомиллаштириш зарурлигини таъкидлаб, уларнинг зиммасига мамлакатимиз ташқи сиёсатида аҳамиятли бўлган вазифаларни юклаган эди.*
*Хўш, хориждаги дипломатик ваколатхоналаримиз ушбу вазифаларни бажариш бўйича қандай ишларни амалга ошираяпти? Бу ҳақда батафсил ҳикоя қилиш учун Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА ва «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти ҳамкорлигида қўшма лойиҳа – «Элчи минбари» рукни ташкил этилди.*
*Ушбу лойиҳанинг дастлабки меҳмони **Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Алишер АБДУАЛИЕВ** бўлди.*



Алишер АБДУАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

# УКРАИНА БИЛАН ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК МУНОСАБАТЛАРИДА ТУБ БУРИЛИШ БОШЛАНДИ

**– Элчи жаноблари, Ўзбекистондаги кенг кўламли ўзгаришлар ва мамлакатимизнинг халқаро ташаббуслари борасида Украина жамоатчилиги, сиёсий ва таҳлилий доиралари, оммавий ахборот вакилларининг фикри қандай?**

– Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида мамлакатимизда сўнгги икки йил ичида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар дунё жамоатчилиги, сиёсатчилар ва таҳлил марказларида қизиқиш уйғотмоқда. Буни глобал характердаги масалаларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар мисолида ечим топилаётгани билан ҳам изоҳлаш мумкин. Хусусан, Президентимизнинг миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик, атроф-муҳитни асраш борасидаги ташаббусларини халқаро жамоатчилик қўллаб-қувватламоқда.

Украина кенг жамоатчилиги Ўзбекистон Президентининг ташқи ва ички сиёсатига ҳавас билан қарайди. Уларнинг фикрича, Президент Шавкат Мирзиёев халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариши учун зарур шарт-шароит яратмоқда. Мамлакат ташқи ва ички сиёсатидаги туб бурилишнинг ёрқин натижалари нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақа ривожига туртки бўлмоқда.

**– Сиз раҳбарлигингиздаги элчихонанинг Украинадаги ҳамкорлар билан савдо-иқтисодий, инвестициявий ва туристик алоқаларни ривожлантиришдаги саъй-ҳаракатлари ҳақида сўзлаб берсангиз.**

– Украинада муайян сабабларга кўра сўнгги тўрт йил давомида кузатилаётган беқарорлик Ўзбекистон – Украина ҳамкорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Иқтисодий ҳамкорликдаги оғир вазиятга қарамасдан, Ўзбекистоннинг Украинадаги элчихонаси мамлакатимиз вазирлик ва идоралари билан бирга 2015 – 2017 йилларда ушбу ҳолатни яхшилаш бўйича манзилли чора-тадбирларни кўрди. Сўнгги икки йилда тўқимачилик, чарм-пойабзал, маиший техника, енгил машиналар экспортини рағбатлантириш мақсадида бизнес учрашув ва музокаралар ташкил этилди. Ушбу мулоқотлар чоғида қиймати 120 миллион АҚШ долларидан зиёд экспорт шартномалари имзоланди.

2016 йилдан элчихонамиз ташаббуси билан «Artel» ва «Akfa» маиший техникаларининг Украинага экспорти йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда ҳамкор мамлакатнинг 16 ҳудудида ушбу техникалар сотуви ташкил қилинган.

Хабарингиз бор, «Тошкент – Киев» авиақатнови вақтинча тўхтатилган. Бу мамлакатимизда туризмни ривожлантириш борасидаги фаолиятга салбий таъсир кўрсатмоқда. Сайёҳлик ривожига тўсқинлик қиладиган бундай омилларга барҳам бериш мақсадида 2019 йил иккинчи ярмидан Киев билан тўғридан-тўғри авиапарвозларни тиклаш устида иш олиб борилмоқда.

Кези келганда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хориждаги элчихоналари фаолиятига бағишлаб ўтказилган мажлисдан сўнг Украина билан ўзаро иқтисодий ҳамкорлик муносабатларида туб бурилиш кузатилаётганини айтмоқчиман. Бунинг натижасида «қўлларимиз ечилди», кенг имкониятлар бўй кўрсата бошлади. Ушбу йиғилиш натижалари ўлароқ, нафақат элчиларда, балки вилоятлар ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар фаолиятида элчихоналар билан иш юритиш услуби ўзгарди.

Мажлисда Украинадаги элчихонамиз фаолиятини ташкил этиш ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Шундан сўнг 2018 йил февралдан «SamAuto» автобусларининг Украинага илк экспорти бошланди, махсус, мақсадли товарлар экспортини йўлга қўйиш масалаларини муҳокама қилиш учун Украинадаги йирик корхоналар раҳбарлари мамлакатимизга ташриф буюрди.

Ўтган йилнинг февраль ойида Украина Фанлар академиясининг Боғдорчилик, Балиқчилик, Ўсимлик генетикаси институтлари ва Картошка етиштириш илмий-тадқиқот институти раҳбарлари юртимизга келиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда илмий шерикликни йўлга қўйиш бўйича келишувларга эришди.

Элчихонамизга Навоий вилояти билан Украина ўртасида бизнесни ташкил этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш вазифаси юкланган. Бугунги кунда ушбу мамлакатга елим қувурлар, ҳўл мева ва маиший техника экспортини ташкил этиш бўйича келишувлар мавжуд.

Ҳудудлар ўртасида тўғридан-тўғри ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида Навоий вилояти ҳокими билан Украинанинг Запорожье вилояти раиси, Самарқанд вилояти ҳокими билан Львов вилояти раиси, Қашқадарё вилояти ҳокими билан Сума вилояти раиси, Тошкент вилояти ҳокими билан Харьков вилояти раиси, Жиззах вилояти ҳокими билан Херсон вилояти раиси ўртасида телефон тармоғи орқали алоқа ўрнатилди. Май ойида Сума, Херсон ва Львов вилоятлари раисларининг ишбилармон доира вакиллари иштирокида Ўзбекистонга ташриф уюштирилди. Шунингдек, Самарқанд вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари бошчилигидаги вилоят тадбиркорлари сентябрь ойида Львов вилоятида бўлиб, музокаралар ўтказди.

Июнь ойида элчихонамиз ташаббуси билан «Made in Uzbekistan» мавзуида бизнес-форум ва экспортбоп маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди. Форум доирасида 25 миллион АҚШ долларига тенг экспорт шартномалари имзоланди. Мулоқотлар натижасида 2007 йилдан буён ўтказилиши қолдириб келинаётган Ўзбекистон – Украина хукуматлараро комиссияси мажлисини 2019 йилда ўтказишга келишиб олинди. Ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири Ботир Хўжаев Украина Бош вазирининг биринчи ўринбосари, иқтисодий ривожланиш ва савдо вазири Степан Кубив билан музокара ўтказди.

2018 йил октябрь-ноябрь ойларида ўзаро савдода келишмовчилик юзага келганди. Уни бартараф қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов билан Украина Бош вазирининг биринчи ўринбосари, иқтисодий ривожланиш ва савдо вазири Степан Кубив ўртасида телефон мулоқоти бўлиб ўтди. Мазкур тадбирлар натижасида октябрь ойи ҳолатига кўра, савдо айланмасида 65,6 фоизлик ўсиш кузатилди.

**– 2018 йилда элчихона томонидан кўрсатилган хизматлар, Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишга доир саъй-ҳаракатлар тўғрисида нима дея оласиз?**

– Ҳозирги кунда Украина ҳудудида 40 мингдан ортиқ Ўзбекистон фуқароси истиқомат қилиб келмоқда. Шулардан 8 минг 800 нафари элчихонада доимий рўйхатга олинган. Бундан ташқари, Украинадаги олий таълим муассасаларида 2 минг 800 нафар ўзбекистонлик ёшлар таҳсил олмоқда. Фуқароларга узлуксиз хизмат кўрсатиш тизими ишлаб чиқилган. Бунинг учун барча зарур шароит – қабулхона, тиббий ёрдам, она ва бола хоналари, кутубхона ташкил этилган. Ҳар сешанба «Элчининг қабул куни» ва ҳар якшанба соат 10:00 дан 13:00 гача «Очиқ эшиклар тартиби» жорий қилинган.

**– Турли соҳалардаги лойиҳаларни амалга оширишда хориждаги ватандошларимиз иштирокини таъминлаш бўйича қандай ишлар қилинмоқда?**

– Элчихонамиз савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги фаолиятни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Зеро, савдо-сотиқ ривожи бевосита маданий ҳамкорлик билан боғлиқ.

Элчихонамизда Украинадаги ҳамжамиятлар вакиллари иштирокида турли маданий тадбирлар мунтазам уюштирилади. 2018 йилда Харьков шаҳрида Наврўз байрами нишонланди. Ўзбек миллий маданияти ва санъатига бағишланган тақдимотлар, давра суҳбатлари бўлиб ўтди.

Мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳиятини тарғиб қилишга қаратилган ишлар ҳам йўлга қўйилган. Шу мақсадда Львов, Киев ва Харьков шаҳарларида Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятига бағишланган ҳудудлараро тақдимотлар ўтказилди. Уларда Украинанинг туризм соҳасида фаолият олиб борадиган агентликлари вакиллари иштирок этди. Элчихона ташаббуси билан украиналик туристларнинг юртимизга саёҳат уюштиришини рағбатлантириш мақсадида ҳар якшанба соат 18:00 дан 20:00 гача тематик тақдимотлар ўтказилди. Уларда қатнашган 700 нафардан ортиқ иштирокчи халқимиз турмуш тарзи, урф-одатлари ва маданияти билан танишиш имконига эга бўлди.

«Орёл и Решка» телекўрсатувининг Ўзбекистонга бағишланган махсус сонини суратга олиш ишлари ҳам бевосита элчихонамиз ташаббуси билан ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг таклифига мувофиқ Украинанинг йирик тиббиёт марказлари билан ҳамкорлик мустаҳкамланиб бормоқда. Ўткир хасталиклар билан оғриган беморларнинг ушбу давлатда даволанишига кўмаклашилмоқда. Май ойида Украина нейрожарроҳлик институти директори Е.Педанченконинг Ўзбекистонга ташрифи доирасида ўтказилган жарроҳлик амалиётлари тиббий соҳадаги тажриба алмашинувларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилди.

**– Юртдошларимизга 2019 йилги режалар, элчихонанинг янги лойиҳалари ҳақида сўзлаб берсангиз.**

– 2019 йилга мўлжалланган тадбирларни Украинада давом этаётган номутаносиблик сабабли хавфсизлик нуқтаи назаридан кўриб чиқишимиз мумкин. Бундай ҳолатда, биринчи навбатда, фавқулодда юзага келиши мумкин бўлган ҳодисаларда фуқароларимиз хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишимиз зарур.

Умид қиламизки, 2019 йилда Украинада режалаштирилган президентлик ва парламент сайлови тинчлик-осойишталикда ўтади.

Умуман олганда, келаётган йилда экспорт ҳажмини 220 миллион АҚШ долларига етказиш, «Тошкент – Киев» йўналишида авиақатновни тиклаш, фармакология маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган 10 миллион АҚШ доллари миқдоридаги тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишни кўзда тутадиган лойиҳани ишлаб чиқиш, шунингдек, маданий-гуманитар тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган. Мазкур режаларнинг татбиқ этилиши ўзаро ҳамкорлигимизни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

**ЎзА мухбири**
**Улуғбек ШОНАЗАРОВ**
**ёзиб олди.**

***P/S:** Лойиҳанинг навбатдаги меҳмони – Ўзбекистон Республикасининг Малайзиядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Равшан Усмонов.*

*Мана, тарих зарварақлари яна бир саҳифа билан бойиди. 365 сатрдан иборат бу саҳифа асрлар олдида бамисоли заррадек кўринса-да, ёрқин из қолдирди. Мамлакатимизнинг барча соҳаларида ижобий ўзгаришлар юз берди, инсон манфаати биринчи ўринга чиқди. Халқимизнинг турмуш даражаси юксалиб, эртанги кунга бўлган умиди янада ошди. Ҳеч бир муболағасиз, ҳаётбахш ўзгаришлар ўз меваларини бера бошлади – бу одамлар юзидаги нур, ҳаракатларидаги дадиллик, кўнгиллар тўқлиги ва эртанги кунга мустаҳкам ишонч, хонадонлардаги тафтли ҳароратда яққол намоён бўлмоқда.*

# Ишонч устунларини мустаҳкамлаган йил

## Йил иқтибоси:

*«Халқимиз эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни кўришни истайди. Бизнинг меҳнаткаш, оққўнгил, бағрикенг халқимиз бунга тўла ҳақлидир»*

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

## Йил тафсилоти:

***2018 йил – «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»**га мўлжалланган Давлат дастури доирасида **21 триллион сўм** ва **1 миллиард доллар**га тенг **76 мингта лойиҳа** амалга оширилди.*

*2018 йилда **аҳолининг реал даромадлари** 2017 йилга нисбатан **12 фоиз ошди.** Солиқларнинг прогноздан ошириб бажарилган қисми ҳисобидан ҳудудларда 5,5 триллион сўм қўшимча маблағ қолдирилди. Бу 2017 йилга нисбатан 6 баробар, 2016 йилга нисбатан эса 32 баробар кўпдир.*



### Шукроналик

## Бизнинг ҳам ўз уйимиз бор

***Рақамлар сўзлаганда:***

*2019 йилда давлат бюджети ҳисобидан халқ таълими тизимига 17,1 трлн. сўм ажратилиб, ушбу маблағнинг 90 фоизи соҳа ходимларининг ижтимоий ҳимояси йўлида сарфланади.*

Бир неча йилдирки, уй олишга ҳаракат қилардим. Зарур ҳужжатларнинг барчасини йиғиб, керакли жойларга топширдим. Эҳтиёжманд оилалар учун арзон уй-жойларнинг бошланғич тўлови юқори бўлгани сабабли ўйланиб қолдим ва фикримдан қайтишга мажбур бўлдим. Маошимдан ўтказиб бошланғич бадални тўламоқчи эдим, афсус, бунинг имкони топилмади.

Бу не бахтки, 2018 йилда давлатимиз томонидан менга уй берилди! Бошпанали бўлдим. Уч қоракўзимнинг ҳаяжони, қувончи, уй деворлари, жиҳозлар, эшиг-у деразаларга суқланиб қарашганини кўрсангиз эди! Нигоҳларида шукроналик билан бирга фахр ҳам балқиб турарди.

Ўз фуқаролари ҳақида қайғурадиган, уларни қийин вазиятда ташлаб қўймайдиган, фарзандлари юрагига қувонч, юзига нур улашадиган давлат буюкдир. Бугун менинг келажакка ишончим — қатъий. Энг муҳими, дилим тўла орзулар. Уларни рўёбга чиқариш учун ҳаракатдаман. Ҳаракатим бесамар кетмаслигига ишонаман. Ахир, ғамхўримиз — давлатимиз, Президентимиз бизни қўллаб турибди.

**Шаҳноза ИБРОҲИМОВА**
Навоий вилояти

### Миннатдорлик

## АФВ – имкон демак!

Инсон умри давомида билиб-билмай хатоларга йўл қўяди. Мен ҳам адашдим. Бунинг тўлови оғир бўлди — умримнинг тўққиз йили панжара ортида ўтди. Қанча иш қилишим, обрў-эътибор топишим, фарзандларимни тарбиялашим мумкин эди...

2018 йилда менга қайта имкон берилди, афв этилиб, озодликка чиқдим. Бунинг учун Президентимиздан чексиз миннатдорман.

Она шаҳрим Андижонни, туғилиб ўсган жойим Пахтаобод туманини таний олмай қолдим. Юртимиз жудаям гўзал, обод бўлиб кетибди. Бир-биридан кўркам иморатлар, юз берган катта ўзгаришлар ҳам ҳайратлантирди, ҳам завқлантирди. Тадбиркор дўстларим яратилган имкониятлардан фойдаланиб, фаровон яшаш учун тиним билмай меҳнат қилаётгани, халққа нафи тегаётганини кўриб, ҳавасим келди.

Янги йилда тўқимачилик корхонаси ташкил қилиш орзуим бор эди. Бугун ана шу ниятимни рўёбга чиқариш учун астойдил киришдим. Насиб этса, орзумни, албатта, амалга ошираман, халқ хизматига камарбаста бўламан.

**Умиджон ТОЖИБОЕВ**
Пахтаобод тумани

### Таълим – тараққиёт гарови

## Қадримиз ҳам, қаддимиз ҳам тикланди

2018 йил ўқитувчилар йили бўлди десам, муболаға бўлмас. Негаки, бу йилда педагогларни қийнаб келаётган кўплаб масалалар ижобий ечим топди. Мана, бир-иккитасини санайман: маошларимиз ошди, қоғозбозликка барҳам берилди, мактаб ҳамда дарсларни ҳуда-беҳуда текширишлар сони кескин камайди.

2018 йилда мен ишлаётган таълим муассасаси бўлган пойтахтимиздаги 140-сонли умумтаълим мактаби бир қатор ютуқларни қўлга киритди. Ўнлаб ўқувчилар фан олимпиадалари, «Билимлар беллашуви»да фахрли ўринларни қўлга киритди. Бир нечта ўқувчиларим мен дарс бераётган инглиз тили фанидан ютуқларга эга бўлди. Буларнинг барчаси Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан яратиб берилаётган шароит ҳамда имкониятлар самарасидир десам, янглишмаган бўламан.

2019 йилнинг «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» деб эълон қилиниши биз педагоглар зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди. Яратиб берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўқувчиларнинг пухта, чуқур билим олишлари, хорижий тилларни мукаммал эгаллашлари учун бор куч-ғайратимизни аямаймиз.

**Нигора ХУДОЙНАЗАРОВА,**
Тошкент шаҳридаги 140-мактаб ўқитувчиси

### Илм – келажак

## Ўн йилда ушалган орзу



2018 йилда олий ўқув юртига кириш синовлари адолатли бўлди. Бу адолат таъминини тотганлардан бири менман. Шу вақтга қадар ҳам журналистика соҳасида қалам тебратиб келардим. Лекин соҳам бўйича олий маълумот олмаган эдим. 10 марта журналистика факультетига ҳужжат топширдим, 10 марта имтиҳонларда қатнашдим ва ниҳоят, эндиликда Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг сиртқи бўлими талабасига айландим. Бугун университетда телерадио, газета, интернет, медиа йўналишларида таҳсил олувчи талабаларга нафақат назарий билим эгаллаш, балки амалий тажриба орттириш учун ҳам барча шароитлар яратилган. Билимдон, тажрибали устозлар сабоқлари, адабиёт, фан, санъат соҳаларида машҳур замондошларимиз билан бўлган турли ижодий учрашувлар, адабий кечалар ва бошқа тадбирлар биз талабаларни ўзгача оламга олиб кирмоқда.

Мен бу университет талабаси эканимдан фахрланаман. Мана шундай имкониятларни яратиб берган давлатимиздан миннатдорман. Билдирилган ишончни, албатта, оқлайман.

**Холида ЭГАМБЕРДИЕВА,**
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси



### Китоб зиёси

## Мутолаа бор экан, эзгулик барқарордир

***Рақамлар сўзлаганда:***

*2018 йилда ўтказилган «Ёш китобхон» танловида **720 минг нафар ёшлар** иштирок этиш истагини билдириб, уларнинг **42 нафари** ижодий беллашувнинг республика босқичига йўлланма олди. Якуний босқичда ғолибларга **Президент совғаси — «Спарк»** автомобили берилди.*

**Китоб – энг яқин дўстим. Унга меҳрим бошқача. Чунки оиламизда ҳамма китоб ўқишни хуш кўради. Онам бизга жуда ёшлигимизда «Алпомиш», «Кунтуғмиш», «Гўрўғли» каби достонларни ўқиб, ундаги шеърий сатрларни қўшиқ қилиб айтиб бергани ҳамон ёдимда.**

Ота-онам гарчанд олий маълумот олмаган бўлса-да, илмни қадрлайдиган инсонлардир. Шу боисми, оддийгина вазифада бўлса-да, маърифат маскани — мактабда ишлашади. Улар бизни доим ёшимизга мос китоблар билан таъминлашган. Мактабга қатнай бошлагач, устозларимиздан китобга ошно тутиниш одобини ўргандик. Шу-шу китоб билан дўстмиз.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ўтказилган «Ёш китобхон» кўрик-танловининг 10-14 га кирган ёшлар ўртасидаги қуйи босқичларида барча тенгдошларимни ортда қолдирдим. Республика босқичида 14 нафар тенгқурларимдан ўзиб, мутлақ ғолибга айландим.

Президентимизнинг «Спарк» автомобилини совға қилгани куни кечагидек кўз ўнгимда. Аслида, ҳар бир инсон ўзлигини англаши учун ҳам китоб ўқиши керак. Ўқиб-изланиш биз ёшларнинг шиори бўлмоғи даркор.

**Маҳлиё ЎРОҚОВА,**
**Пахтачи туманидаги 24-мактабнинг 8-синф ўқувчиси**




### «Обод қишлоқ» дастури

## Ўзгарган қиёфа

Ишга борар эканман, икки отахоннинг ўзаро суҳбати қулоғимга чалинди:

– Қишлоқда ҳам пиёдалар учун йўлакча қилса бўлар экан-ку! – дейди меҳнат фахрийси Худойназар ота.

– Нимасини айтасиз, шу пайтгача болалар учун майдонча, маҳалла гузари, гулзорлар, равон йўллар қайда эди, ҳатто буни орзу ҳам қилмаганмиз, – дейди Шарифбой ота.

Дарҳақиқат, Қўшкўпир туманидаги Оқдарбанд қишлоғининг бугунги қиёфаси ўзгача – ўйдим-чуқур йўллар энди ўтмишда қолган. Маҳалла гузари кўркам, барча қулайликлар бор. Дарахтлар, гулларга қараб кўзингиз қувнайди. Ҳомийлар кўмагида қайта таъмирланиб, мактабгача таълим муассасасига айлантирилган ҚВП биносида 100 нафар болажон тарбияланмоқда. Оқдарбандни айланган киши бунинг нимаси қишлоқ экан, дея ўз-ўзига савол бериши табиий. Яқинда Тошкентдан Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳаким бошчилигида бир гуруҳ ижодкорлар ташриф буюришганди. Улар қишлоқ маданият ва аҳоли дам олиш марказида бўлди, кутубхона фаолияти билан танишди. Улар жўнаб кетаётганларида қишлоғимиз одамларига ҳаваси келаётганини айтишди.

Нимасини айтасиз, кўз ўнгимизда юз берган ўзгаришлар қалбимизда, турмушимизда акс садо бермоқда. Эртанги кунга ишончимиз мустаҳкамланмоқда.

**Наргиза ЁВБОСАРОВА**
*Хоразм вилояти*

# БОШ МАҚСАД — ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ

## МУВАФФАҚИЯТЛАР ТОТУВ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ



**Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,**
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази директори

2018 йил оила институтини мустаҳкамлаш борасида муҳим воқелик сифатида тарих саҳифаларига муҳрланди. Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази фаолият бошлади.

2018 йил марказимиз учун самарали кечди. Оила институтини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масалалари бўйича мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 10 дан ортиқ кенг қамровли фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказилди. Натижада 11 127 та оила билан тўғридан-тўғри алоқа йўлга қўйилди. 2 миллионтага яқин намунали оила бўйича маълумотлар базаси тўпланди. 23 554 та низоли оила иши судга етиб бормасдан, ФҲДЁ органи ва судга ажрашиш учун ариза берган 3 100 дан зиёд оилани эса ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда яраштиришга эришилди. Умуман, 26 мингтадан ортиқ бузилиб кетиш арафасида турган оила сақлаб қолинди.

Бундан ташқари, 35 485 та оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган оилалар аниқланиб, 16 288 та оилани ночорликдан чиқариш бўйича «Йўл хариталари» ишлаб чиқилди. 3 500 та оиланинг босқичма-босқич ночорликдан чиқарилишига муваффиқ бўлинди.

Фурсатдан фойдаланиб, ватандошларимизни 2019 йил – Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили билан самимий муборакбод этаман. Янги йил барчамиз учун серқирра имкониятлар, юксак марралар, омад ва муваффақиятлар йили бўлсин. Юртимиз ободлиги, элимиз тинчлиги, Ватанимиз тараққиёти йўлида амалга ошираётган эзгу саъй-ҳаракатларимиз келгуси йилда ҳам бароридан келаверсин. Оилаларимиз мустаҳкам ва фаровон, аҳил ва тотув, бахтли-саодатли бўлсин. Жонажон Ўзбекистонимиз равнақ топаверсин, Янги йил муборак бўлсин!

## ЭРТАНГИ КУНДАН УМИДИМИЗ КАТТА



**Анваржон АБДУМУХТОРОВ,**
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

Якунланган 2018 йил Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси тармоғи учун ўта сермаҳсул, қувончли ва муваффақиятли йил бўлди десак, асло муболаға бўлмайди.

Касаба уюшмалари тарихида биринчи маротаба Ички ишлар ҳамда Божхона органларида фаолият юритаётган махсус унвонга эга бўлган ходимлар касаба уюшмаси аъзолигига жалб қилинди. 3500 тага яқин корхона ва ташкилотларда фаолият юритиб келаётган 152 минг нафардан ортиқ ходим касаба уюшмаси ҳимоясига олинди.

Ўтган йили 14 та Тармоқ келишуви янги муддатга имзоланди, Ички ишлар вазирлиги, Адвокатлар палатаси ҳамда Божхона қўмитаси билан илк бор Тармоқ келишувига эришилди. Ушбу Тармоқ келишувлари асосида жойларда жамоа шартномалари тузилди.

Бундан ташқари, Меҳнат кодексининг 9-моддаси ҳамда тармоқ касаба уюшмаси Уставига асосан 47 та корхона ва ташкилотда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши ўрганилди ҳамда аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш бўйича иш берувчиларга тақдимномалар киритилди ва юз нафардан ортиқ ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари тикланди.

Ютуқ ва муваффақиятларимиз ҳақида узоқ гапириш мумкин. Бироқ бугунги кун, бугунги давр талаби ўз ишимиз ва фаолиятимизни танқидий кўриб чиқиб, мавжуд имкониятлардан янада кенгроқ фойдаланиш, ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини янада юксалтириш борасида янгича қараш, янги ғоя ва инновацияларни жорий этишни тақозо қилмоқда.

Янги йилда тармоқ корхона ва ташкилотларида меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши юзасидан текшириш ишлари янада кучайтирилади. Корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари орқали ёшлар учун Меҳнат кодексида белгиланган имтиёзлардан ташқари қўшимча кафолатлар берилишига эришишга алоҳида эътибор қаратилади. Касаба уюшмаси ташкилоти тузилмаган корхона, ташкилот, муассасаларда ишловчи ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида касаба уюшмаси аъзолигига кенг жалб қилиш ишлари янада кучайтирилади. Тармоқ ташкилотларида меҳнат қилаётган аёлларнинг меҳнат шароитларини яхшилашга кўмаклашиш, аёллар меҳнати ва уларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш устувор вазифаларимиздан бири бўлиб қолади.

Президентимиз Мурожаатномада «Халқ вакилларида ҳар йилга қандай ном берилишидан қатъи назар, бундан буёғи якка-ю ягона мезон – ким бизга баҳо беради, деган савол кўндаланг туриши керак. Бизга баҳони фақат халқимиз беради», дея таъкидлаб ўтди. Дарҳақиқат, тизимда ҳар қанча иш қилмайлик, бунинг натижаси, аввало, халқимиз, ходимларимиз манфаатлари, фаровонлиги, розилигида акс этиши лозим. Ўйлаймизки, янги йил ҳам халқимиз ва касаба уюшма аъзоларимиз қалбини шодликка, хонадонини барака ва сururга тўлдирадиган саодатли йил бўлади.

## БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗГА ПУТУР ЕТМАСИН



**Элмира БОСИТХОНОВА,**
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари

Давлатимиз раҳбари барча ислоҳотлардан мақсад одамлар ҳаётини яхшилаш эканини доим таъкидлайди. Бу – тиббий хизматнинг сифати ҳам сезиларли даражада кўтарилиши шарт дегани. Шу боис кейинги икки йилда Президентнинг соҳамизга оид 50 та фармон, қарор ва фармойишлари қабул қилинди. Ташкил этилган янги илмий-амалий тиббиёт марказлари сони 16 тага етди.

2019 йилда ҳам оналар ва болалар ўлимига сабаб бўлаётган омилларни чуқур таҳлил қилиб, уларни бартараф этишга янада жиддий эътибор қаратилади. Мамлакатимизда хусусий тиббиётнинг барча тармоқларини ривожлантириш режалаштирилмоқда. Шунда нафақат юртдошларимиз, балки қўшни давлат фуқароларига ҳам тиббий хизмат кўрсатиш имконияти кенгаяди. Поликлиникалар ишини такомиллаштириш, болалар касалликлари бўйича ҳудудлардаги ишларни тўғри йўлга қўйсак, ўзгаришлар қилсак, кутилган натижаларга эришамиз.

Янги – «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да юртдошларимизга соғлом турмуш тарзига қатъий амал қилишларини тилайман. Чунки касалликлар олдини олишнинг энг камхарж ва самарали йўли шу. Модомики, инсон саломатлиги халқимизнинг бебаҳо бойлиги экан, келаётган йилда бу борада ривожланган давлатлардан ортда қолмасдан, ютуқларга эришиб, халқимиз олдида юзимиз ёруғ бўлишини истайман.

> *Нияти улуғ халқнинг – иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади.*
>
> **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан**

## ЭНГ ЭЗГУ ТИЛАГИМ — ТИНЧЛИК!



**Абдусаид КЎЧИМОВ,**
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

ЙИЛ деганлари ҳам аслида тирик вужуд: ўйлайди, орзу қилади. Дунё бино бўлгандан бери ҳар гал Янги йил арафасида, янги зинага қадам ташлаётиб, дуо қилади, ният қиладики, бу йил аввалгиларидан яхшироқ бўлсин, аввалги безовталиклар энди қайтмасин, заминдаги жами қишлоқлар-у овуллар тинч, обод, дастурхонлар тўкин-сочин, одамлар меҳр-у оқибатли бўлсинлар, дейди.

Бизнинг орзу ҳам шу, энг аввало, дунёмиз тинч бўлсин. Тинчлик-осойишталик бўлса, орзу-умидларимиз бир-бир ушалаверади, Худо хоҳласа. Ахир, инсон орзу билан, умид билан яшайди. Болаликда яхши билим олиб, катта даргоҳларда ўқишни, шаҳарга боришни ҳавас қилардик. Институтни битиргач, пойтахтда қолиб, ўзимиз севган соҳада ишлашни, эл назарига тушишни орзу қилдик. Кейин фарзандлар камолини, набиралар кўришни ният қилдик ва ҳамон орзу-ниятларимиз мўл.

Мана шу барча орзу-ниятларнинг таг-замирида бир нарса ётади — тинчлик. Тинчлик-хотиржамлик бўлса, ҳамма орзу-ниятларга аста-секинлик билан эришиш мумкин.

2019 йил – «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»дан умидимиз кўп. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, инвестиция келса, ижтимоий ривожланиш бўлади. Тилагим, юртимиз янада равнақ топсин, халқимиз янада фаровонроқ яшасин. Барча дўстларимизга дунёдаги энг катта бойлик – кўнгил хотиржамлигини тилайман.

## БАРЧАСИ ИНСОН МАНФААТЛАРИ УЧУН



**Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,**
Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашма кенгаши раиси

Ўтган йилда касаба уюшмалари тизимида кўплаб хайрли ва баракали ишлар амалга оширилди. «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» давлат дастури доирасида амалга оширилган саховатли ишлар натижасида кўплаб оилаларда шукроналик муҳити яратилди. Касаба уюшмалари фаоллари ҳам олис ва чекка қишлоқлардаги хонадонларга кириб, кўмакталаб юртдошларимиз ҳолидан хабар олишди, ёрдам кўрсатишди.

Йил сайин чирой очаётган ўлкамиз жамоли кўрган кўзларни қувнатади. «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» дастурларига киритилган ўнлаб овуллар, маҳаллаларда кенг кўламли ишлар бажарилди. Мамлакатимизда юритилаётган оқилона ва доно сиёсат туфайли шаҳарларимиз билан қишлоқларимиз ўртасидаги тафовут тобора камайиб бормоқда.

Орол денгизининг қуриши фожиадир. Унинг салбий оқибатлари, афсуски, тобора чуқурлашмоқда. Давлатимиз раҳбари Оролни қутқариш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбаридан туриб сўзлаган маърузаларидан сўнг вазият ижобий томонга ўзгара бошлади. Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди ташкил этилгани фикримиз далилидир.

Барча юртдошларимизни Янги йил билан чин дилдан муборакбод этаман. 2019 йил – «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» барчамиз учун омадли бўлсин.

## РЕЖАЛАР БИСЁР



**Ғулом САФАРОВ,**
Бухоро вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг раиси

Янги йил бошланиши билан ўтган йилни сарҳисоб қиламиз, эришилган, натижалардан мамнун бўламиз. Айни шу мамнуният ва розилик туйғуси янги муваффақиятларга руҳлантиради.

Ўтган йилда қирқ нафардан ортиқ иккинчи жаҳон уруши ҳамда меҳнат фронти фахрийлари, шунингдек, тинчлик йўлида жон берган жасур ўғлонларимиз оилалари ҳолидан хабар олдик. Вилоят бўйича кам таъминланган 2259 хонадонга моддий ёрдам кўрсатилди. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган эҳтиёжманд ва чин етим талабалар шартнома пулларининг бир қисми касаба уюшмалари томонидан тўланди. Олтмишдан ортиқ ёш оиланинг уй олишига ёрдам берилди.

Албатта, ҳал қилиш лозим бўлган ишлар, ўрганиладиган масалаларимиз ҳали кўп. Шу боис Россия, Молдова, Озарбайжон, Тожикистон сингари мамлакатлардаги ҳамкасбларимиз билан алоқаларни йўлга қўйдик, тажриба алмашдик. Ўз навбатида, қўшни давлатларнинг касаба уюшмалари ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг делегациялари ҳам Бухорода бўлиб, фаолиятимизни ўрганишди. 2019 йилда бу йўналишдаги ишларимизни янада кенгайтирамиз. Хусусан, Туркманистон Республикасининг Лебап вилояти касаба уюшмалари қўмитаси билан ҳамкорликни йўлга қўйишни режалаштирганмиз.

Бухоро шаҳрида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг болалар оромгоҳини қуриш кўзда тутиляпти. Республика Манзилли дастурига киритилган мазкур бунёдкорлик тадбири амалга ошса, бу масканда бирданига 250 нафар бола ҳордиқ чиқариши мумкин бўлади. Хуллас, Янги йилдан умидларимиз бисёр. Уларнинг барчаси амалга ошишига ишонамиз.

> *Мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичида ҳар бир йил улкан дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш, юртимизни равнақ топтириш бўйича янги-янги ютуқлар, билим ва тажрибалар даври бўлиб қолмоқда.*
>
> **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан**

## ЁРҚИН КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БИЛАН



**Виктор АЛИМАСОВ,**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Одам табиатига умид қилиш, яхшилик кутиш хос. Шу боис ҳар биримиз Янги йилни эзгу ният, шижоат билан бошлаймиз. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси барча юртдошларимиз, улар қатори мени ҳам ҳаяжонга солди, ёрқин келажакка ишончимизни янада оширди.

Давлат идораларини халққа хизмат қилдириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш сиёсати дадил давом этаётгани ғоят умидбахшдир. Энди уй-жой арзон ва тез ятатадиган технологиялар ҳисобига қулайлашади, иш билан бандлик муаммоаси долзарблигини йўқотади, «рақамлашган дунё» ҳар бир юртдошимиз ҳаётига кириб келади. Соғлиғимизга масъул кадрлар малакасига жиддий аҳамият берилади, суд-ҳуқуқ тизимларидаги коррупция, таъмагирлик, ошна-оғайнигарчилик ўтмишга айланади. Юртимизнинг илмий-техник, интеллектуал салоҳияти бир неча баробарга ошади, қишлоқ инфратузилмаси, агросаноат ва сув таъминоти яхшиланади. Чекка ҳудудларда ҳам шаҳарликларни қизиқтирадиган ландшафт-оромгоҳлар, соғломлаштириш ва ҳордиқ чиқариш объектлари қурилади.

Янги – «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» барча юртдошларимизга бахт-омад, қувончлар олиб келсин!

## МАЪНАВИЯТ ОДИМЛАРИ БАРДАВОМ



**Сайди УМИРОВ,**
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

Мен илм, таълим, ижодга дахлдор бир киши сифатида ўтган йилда маънавият, маърифат соҳаларида амалга оширилган қутлуғ ўзгаришлардан айримларига тўхталмоқчиман. Энг аввало, Шаҳрисабзда ўтган халқаро мақом фестивали ўзлигимизни яна бир бор дунёга танитиш, мусиқа, куйларимизни янада ривож топтириш борасида катта, хайрли қадам бўлди.

Ўқув юртларида тест синовлари тартибли, адолатли ўтказилгани, билимли, иқтидорли ёшлар қабул қилингани, ғирромлик, порахўрликнинг олди олингани ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Бир қанча янги олий ўқув юртларига, жумладан, Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетига илмга, ижодга чанқоқ йигит-қизлар ўқишга кирди. Ишлаётган ўқитувчилар ҳам маоши, ҳам пенсиясини тўлиқ оладиган бўлишганини айтсангиз-чи!

Жаҳоннинг қирққа яқин мамлакатидан таниқли адиблар юртимизга ташриф буюргани, Ёзувчилар уюшмасига қуриб берилган муҳташам бино, кўркам хиёбон, машҳур ижодкорларга қўйилган ҳайкалларни кўриб лол қолишгани, бу ҳақда тўлиб-тошиб ёзишгани ва ёзишаётгани ҳазилакам иш эмас.

Қардош халқлар таниқли ижодкорлари юбилейлари, ёзувчи, олимларимиз ижодий кечалари, китоб тақдимотлари ўтказилгани, Ёзувчилар уюшмаси ижод аҳлини оҳанрабо янглиғ тобора ўзига тортиб бораётганини жамоатчилик кўриб, билиб, маъқуллаб турибди.

Буюк ёзувчи Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллиги юртимизда алоҳида зўр, шукуҳ билан нишонланганини таъкидлаш жоиз. Энг муҳими, ўтган йилда китобга меҳр, ихлос янада кучайди. Чингиз Айтматов, Шуҳрат, Тоғай Мурод, Иброҳим Ғафуров ва бошқа адиблар китоблари қалин ва кўркам қилиб чиқарилди, китобнинг чин шайдолари тақдирланди. Моддий бойлик ва маънавий қашшоқлик ўртасидаги узилиш, жарликни йўқотишда китобга тенг келадигани йўқ. Чингиз оға айтганидек, «китобсиз инсоният ўзлигини йўқотади». Бу ҳақиқат. Янги йилимиз ҳам шундай қутлуғ янгиликлар ва эзгуликларга бой бўлсин.

XALQ BANKI

Реклама ҳуқуқи асосида

**Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банкининг «Янги йил совғаси» тиражли, пул-буюм ютуқли лотереяси (3-чиқарилиши) ютуқлар тиражи 2018 йил 27 декабрь куни Жиззах шаҳридаги вилоят мусиқали драма театри биносида очиқ тарзда ўтказилди.**




# Халқ банки томонидан ўтказилган «Янги йил совғаси» ютуқли лотереяси ғолиблари аниқланди

Халқ банки томонидан ташкил этилган ушбу тиражли, пул-буюм ютуқли лотереяда 2 та разрядда, икки миллион донада, жами 4 миллиард сўмлик билет муомалага чиқарилган.

Ушбу тиражда республикамизда ишлаб чиқарилган 8 та «Спарк», 10 миллионлик, 3 миллионлик ҳамда бошқа кўплаб пул ютуқлари ўз эгаларини топди. Таъкидлаш лозимки, жами ўйналган ютуқ фонди суммаси бир миллиард 979 миллион 556 минг сўмни ташкил этади.

Бундан ташқари, ушбу тираж доирасида Халқ банки томонидан Жиззах вилояти Халқ таълими бошқармасига қарашли 32-сонли ёрдамчи интернат мактабига «Дамас» автомобили хайрия сифатида берилди.

Ушбу мактаб-интернатнинг моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида 40800000 сўм миқдорида ижтимоий хайрия маблағлари ҳам ажратилди. Бундан ташқари, Жиззах шаҳридаги 5-ихтисослашган мактабгача таълим муассасасининг моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида 51100000 сўм миқдорида ижтимоий хайрия маблағлари ажратилди.

Жиззах шаҳар ҳокимлигига қарашли «Жиззах фаровонлиги» хайрия жамғармасига, ҳар бирининг қиймати 2 миллион сўм бўлган жами 10 дона ногиронлик аравачаларини харид қилиш учун 20 миллион сўм миқдорида ижтимоий хайрия маблағлари ажратилди.

Хулоса қилиб айтганда, Жиззах шаҳрида ўтказилган «Янги йил совғаси» тиражли, пул-буюм ютуқли лотереяси қувончли воқеаларга бой бўлди. Шу ўринда омади чопган барча ютуқ соҳибларини табриклаб қоламиз. Янги йилингиз муборак бўлсин!





***«Янги йил совғаси» тиражли, пул–буюм ютуқли лотереяси натижаларини ушбу ҳаволадан (http://xb.uz/uz/info/aksiyadorlik-tijorat-xalq-bankining-yangi-yil-sovgasi-tirajli-pul-buyum-yutuqli-lotereyasi) билиб олишингиз мумкин.***

Хизматлар лицензияланган.

**Банк ахборот хизмати**



## Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши тасарруфидаги «Жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш ишлари бошқармаси» унитар корхонаси жамоаси

## Барча юртдошларимизни Янги – 2019 йил билан самимий муборакбод этади!

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган. Чунки спорт аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш орқали жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиради.

Турли хасталиклар, ёшлар ўртасида зарарли одатларнинг олдини олади, юксак маданият, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда ҳам муҳим ўрин тутади.

Соҳада эришилган ютуқлар эса мамлакатни дунёга танитади, барча юртдошларга ғурур-ифтихор бағишлайди.

Айни шу ишларга камарбаста бўлаётган жамоа спортни янада оммавийлаштиришга азм-у қарор қилган бўлиб, хусусан, тармоқ касаба уюшмалари кенгашлари билан ҳамкорликда тармоқ ва тармоқлараро спортнинг волейбол, мини-футбол, тош кўтариш, шахмат-шашка, арқон тортиш, стол тенниси турларидан спартакиадалар ўтказилиб, уларга 4-5 минг нафардан ортиқ ишчи-ходимлар жалб этилди.

Андижон, Фарғона, Наманган ва Тошкент вилоятларида белбоғли кураш, Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида ўзбек миллий кураши мусобақалари уюштирилиб, миллий спорт турларимиз ёшларга тарғиб этилди. «Саломатлик», «Отам, онам ва мен – спортчи оила» оммавий мусобақалари, шунингдек, фахрийлар спартакиадалари оммавий тус олди. 2019 йилда ҳам ушбу ишлар изчил давом эттирилади ва бу, ўйлаймизки, янгидан-янги муваффақиятларга элтади.

2019

*Янги йилда эзгу орзуларингиз рўёбга чиқиб, доимо соғ-саломат бўлишингизни тилаймиз. Бахт-саодат ва омад ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин! Қутлуғ бўлсин Янги – 2019 йил!*

## «Қашқадарё соҳили» санаторийси масъулияти чекланган жамияти маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

*Барча юртдошларимизни Янги йил билан табриклайди! Гўзал диёримиз, жаннатмонанд ва мафтункор ўлкамизга кўз тегмасин. 2019 йилда барча эзгу орзу ва умидларимиз ушалсин! Энг бебаҳо бойлик — сиҳат-саломатлик ҳеч биримизни асло тарк этмасин!*

*Янги йилингиз қутлуғ бўлсин!*




«ДЎСТЛИК»
ОРДЕНЛИ НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ МАЪМУРИЯТИ ВА НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ

*Барча юртдошларимизни, шу жумладан, соҳа ходимларини янги – 2019 йил билан самимий қутлайди.
Бунёдкор халқимизни тинчлик, осойишталик, бахт-саодат ҳеч қачон тарк этмасин.
Жаннатмонанд Ватанимиз равнақи йўлидаги фидокорона ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз.
Янги йил барчамиз учун омадли ва баракали бўлсин!*

2019

«ЎЗБУРГУНЕФТГАЗ» акциядорлик жамияти бошқаруви ҳамда бирлашган касаба уюшма қўмитаси

*Барча юртдошларимизни Янги йил билан самимий муборакбод этади!
Байрам тилагимиз шу: жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига, обрў-эътиборига эга бўлган жонажон Ватанимиз янада равнақ топаверсин.
Республикамиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутган нефт ва газ ҳамда геология соҳаси тараққиётда, юксалишда бардавом бўлсин!
Янги йил барча-барчамизга янги-янги зафарлар ва қувончлар олиб келсин!*





БУХОРОДАГИ «СИТОРАИ МОҲИ ХОСА» САНАТОРИЙСИ» МЧЖ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

***Барча юртдошларимизни, шу жумладан, соҳа ишчи-ходимларини Янги йил байрами билан самимий муборакбод этади!***

Тараққиёт сари дадил қадам ташлаётган юртдошларимизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, оилавий тотувлик ва хушкайфият тилаймиз.
Янги йилда эзгу тилакларимиз рўёбга чиқсин.
Жаҳон ҳамжамиятида муносиб эътирофга сазовор бўлаётган давлатимиз янада обод, турмушимиз ҳар қачонгидан-да фаровон бўлсин!
Янги йилингиз билан, азиз юртдошлар!

ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ, КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ

*Барчангизни обод диёримизга файз-у барака бахш этган ҳолда кириб келган Янги – 2019 йил билан чин кўнгилдан табриклаймиз.
Эл-юрт фаровонлиги йўлидаги ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз. Хонадонингизда тинчлик-осойишталик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ҳукмрон бўлсин!
Фурсатдан фойдаланиб, Палата томонидан кўрсатилаётган хизматлар билан бошқарманинг www.th.chamber.uz сайтида танишишингиз мумкинлигини эслатиб ўтамиз.
Маълумот учун телефонлар: (71) 239-19-71, (95) 144-24-00, (95) 144-27-00.*

ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

# Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши

Меҳнаткаш халқимизни, шу жумладан, тиббиёт соҳаси ходимлариниянги йил билан чин дилдан муборакбод этади. Янги йил барчангизга бахт-саодат ва муваффақиятлар олиб келсин. Юртимиз тинч, ҳаётимиз янада фаровон бўлсин! Ўзбекистонимиз гуллаб-яшнасин, ҳар бир хонадон қут-баракага тўлсин!





2019

# АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Барча юртдошларимизни янги – 2019 йил билан самимий муборакбод этади. Янги йилда хонадонингизни омад ва бахт, оилавий қувонч ва тотувлик ҳеч қачон тарк этмасин. Тўкин дастурхонингиздан қут-барака аримасин. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин. Янги йил барча-барчамизга омадли келсин, ҳосилларимиз мўл, хирмонларимиз сарбаланд бўлсин!



# Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ва тармоқ касаба уюшмалари

Мард ва олижаноб халқимизни, яратиш, яшнатиш иштиёқида ёниб яшаётган барча юртдошларимизни Янги йил байрами билан қизғин қутлайди.
Ватанимиз истиқболи, обрў-эътиборини янада юксалтириш йўлида фидойилик кўрсатаётган инсонлар ва уларнинг оила аъзоларига ҳамиша омад ёр бўлсин!





**МУАССИС:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

**Бош муҳаррир**
Ҳусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Таҳририят ҳисобрақами:**
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+998-99) 889-90-22
**Андижон** – (+998-99) 889-90-23
**Жиззах** – (+998-99) 889-90-25
**Наманган** – (+998-99) 889-98-02
**Навоий** – (+998-99) 889-90-28
**Самарқанд** – (+998-99) 889-90-26
**Сирдарё** – (+998-99) 889-98-55
**Сурхондарё** – (+998-91) 233-69-07
**Фарғона** – (+998-99) 889-90-24
**Хоразм** – (+998-99) 889-98-01
**Қашқадарё** – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:**
Х. Норбоев
**Навбатчи:**
И. Ҳасанов
**Мусаҳҳиҳ:**
З. Исмоилов
**Саҳифаловчи:**
Ҳ. Абдужалилов

Топширилди – **22:00**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 4 босма табоқ. Буюртма **Г – 117.** **28025** нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 6